



## ХУДУДЛАРДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ИНФРАТУЗИЛМАЛАРНИНГ ТАЪСИРИ ВА АҲАМИЯТИ

**Ибодова Дилсора**

Қарши давлат университети

ORCID: 0009-0009-7224-6724

[guzelka7755@gmail.com](mailto:guzelka7755@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада инфратузилма ва туризм инфратузилмаси тушунчаларининг моҳияти, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни, туризм соҳасини ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги ёритилган. Худудларда туризм соҳасини ривожлантиришга инфратузилмаларнинг таъсири ва аҳамияти таҳлил этилган, шунингдек, туризм инфратузилмасини ривожлантиришга оид таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** инфратузилма, туризм инфратузилмаси, туризм салоҳияти, худудларда туризмни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, рақобатбардошлик.

## ВЛИЯНИЕ И ЗНАЧЕНИЕ ИНФРАСТРУКТУРЫ НА РАЗВИТИИ ТУРИСТИЧЕСКОЙ ИНДУСТРИИ В РЕГИОНАХ

**Ибодова Дилсора**

Каршинский государственный университет

**Аннотация.** В статье рассматривается сущность понятий инфраструктуры и туристической инфраструктуры, их роль в социально-экономическом развитии страны и взаимосвязь с развитием туристического сектора. Анализируется влияние и значение инфраструктуры на развитие туристического сектора в регионах, а также предлагаются предложения по развитию туристической инфраструктуры.

**Ключевые слова:** инфраструктура, туристическая инфраструктура, туристический потенциал, региональное развитие туризма, социально-экономическое развитие, конкурентоспособность.

## INFLUENCE AND IMPORTANCE OF INFRASTRUCTURE ON THE DEVELOPMENT OF THE TOURISM INDUSTRY IN THE REGIONS

**Ibodova Dilsora**

Karshi State University

**Abstract.** The article examines the concepts of infrastructure and tourism infrastructure, their role in the country's socioeconomic development, and their relationship with the development of the tourism sector. It analyzes the impact and significance of infrastructure on regional tourism development and offers proposals for the development of tourism infrastructure.

**Keywords:** infrastructure, tourism infrastructure, tourism potential, regional tourism development, socio-economic development, competitiveness.

### Кириш.

Жаҳонда Ўзбекистон туризм соҳасида катта салоҳиятга эга ва ўзининг жозибadorлиги билан рақобатлашиш имкониятига эга давлатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг кўплаб минтақалари, шу жумладан, Шаҳрисабздаги Оқ-сарой, Кўк-гумбаз масжиди, Гумбази-Сайидон мақбараси, Шамсиддин Кулол мақбараси, Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Регистон ансамбли, Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейи, Бибихоним мақбараси, Бухородаги Минораи Калон, Арк, Масжиди Калон, Чор Минор, Исмоил Сомоний каби кўҳна ёдгорликлар, Хивадаги Ичан-Қалъа мажмуаси ва бошқа ноёб ёдгорликлар, меъморий иншоотлар мамлакат тарихида муҳим ўрин эгаллаган. Бироқ, бу соҳани ривожлантириш ва халқаро майдонга чиқариш учун туризм инфратузилмасини такомиллаштириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-102-сон қарори билан мамлакатимиз ҳудудларида янги туризм индустрияси объектларини кўпайтириш орқали қулай саёҳат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жаҳон бозорида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш, ички туризм имкониятларини янада кенгайтириш, транспорт логистикасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш масалалари кўриб чиқилиб, бир қатор энгилликлар жорий этилди. Хусусан, маркетинг ва брендинг консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг янги миллий туризм брендини ишлаб чиқиш, туризм соҳасида қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш ва туризм хизматлари экспортини кенгайтириш мақсадида туризми фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператорларни хорижий мамлакатлардан республикага туристларни олиб келишда айланма маблағ билан таъминлаш, лицензияга эга бўлган туроператорларга, истисно тариқасида, экстремал турларни ташкил қилиш учун транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божи ва утилизация йиғимини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этиш, импорт қилинадиган автобус ва микроавтобусларни божхона божидан озод этиш, авиа, темир йўл, автобус қатновлари ҳақида маълумот ва чипта олиш имконини берадиган ягона онлайн платформани ишга тушириш белгиланган (Қарор, 2024).

Иқтисодиёт атамаларининг изоҳли луғатида келтирилишича, *туризм инфратузилмаси* – сайёҳларнинг туристик захираларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бинолар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўллар, туризмнинг хилма-хил корхоналари ҳамда туризм корхоналарининг ишлатилишини таъминлаш тушунилади (Норқулов ва Маҳмудов, 2022).

Туризм соҳаси замонавий иқтисодиётнинг энг муҳим фаолият соҳаларидан бири бўлиб, аҳолининг эҳтиёжларини қондириш ва турмуш сифатини яхшилашда муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, туризм иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқларидан фарқли равишда экспортга йўналтирилган соҳа бўлгани учун, табиий ресурсларнинг камайишига олиб келмайди, ички ва ташқи бозорларда бошқа соҳа ва тармоқларга нисбатан барқарор соҳадир (Ибодова, 2026).

### Адабиётлар шарҳи.

Мамлакат ривожидида инфратузилмаларнинг аҳамияти, хусусан туризм инфратузилмасининг моҳияти ва ўрни иқтисодчи олимлар тадқиқотларида муҳим ўрин тутган. Шу жумладан, немис олими Jochimsen инфратузилмаларни уч таркибий қисмларга: *моддий инфратузилма* – миллий иқтисодиётдаги энергия, транспорт, телекоммуникацияларни таъминлаш учун ишлатиладиган барча иншоотлар, ускуналар ва ишлаб чиқариш объектларининг йиғиндиси; *институционал инфратузилма* –

иқтисодий қарорлар, институционал институтлар; *шахсий инфратузилма* – инсониятнинг маънавий, тадбиркорлик, профессионал ва бошқа қобилиятларига бўлиб кўрасатади. Stoler эса ўз тадқиқида инфратузилмаларни: *техник хусусиятлар* – иншоотларнинг ажралмаслиги ва узоқ хизмат қилиш муддати, *иқтисодий хусусиятлар* – иқтисодий самарадорлик, инвестицияга йўналтирилганлик, харажатларда асосий капиталнинг юқори улуши ва юқори инвестиция хавфи, *институционал хусусиятлар* – турли инфратузилма институтларининг мавжудлиги, марказлаштирилган назорат, бошқарув ва инфратузилмани ривожлантириш учун қонунчилик базаси каби турларга ажратади. Бойков ва Ф. Рибаклар (2002) *ишлаб чиқариш, ижтимоий, илмий, техник ва бозор* инфратузилмаларига, Журавлев (2009) инфратузилмаларни бошқариш усуллари сезиларли даражада фарқ қилиши ва функционал мақсадидан келиб чиқиб, *энергетика, транспорт, алоқа, экологик, инновацион ва бошқаларга*, Абаев (2011) инфратузилмаларни иккита катта тоифага ажратади: *иқтисодий (ишлаб чиқариш) инфратузилма* – транспорт, алоқа, энергия ва сув таъминоти; *ижтимоий инфратузилма* – таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари. Шу билан бирга, у инфратузилмаларнинг алоҳида элементлари ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий хусусиятларга эга. Чунки, одатда ижтимоий инфратузилма сифатида таснифланган таълим муассасалари ўсишнинг энг муҳим иқтисодий омили бўлган инсон капиталини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир, деб ҳисоблайди. Шу нуқтаи назардан, туризм инфратузилмасини ривожлантириш бугунги кунда сайёҳлик йўналишларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётганлиги кузатиш мумкин. Бунда, унинг нафақат туризм соҳасига, балки мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига, аҳолининг даромадлари ва турмуш фаровонлигига, мамлакатга сайёҳлар оқимига ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, туризм инфратузилмасини сифатини яхшилашни талаб қилади ҳамда ҳудуднинг ушбу соҳада рақобатбардош устунлигини яратишда жуда муҳимдир ва ҳозирда ҳар қачонгидан долзарбдир. Мамлакатда туризм ҳудудини қуйидаги тамойилларга таянган ҳолда аниқлаш ва бошқариш керак бўлади (Ибодова, 2025):

- саёҳат ҳудудининг майдони, аҳамияти, таклиф этиладиган маҳсулот (товар, хизмат) тури ва интеграция жараёнлари (тарихий, пляж, чанғи, тадбиркорлик, спорт ва бошқаларни ривожлантириш имконияти ёки мавжудлиги);
- давлат ёки тадбиркорлик уюшмалари, сайёҳлик агентликлари ҳамда меҳмонхоналарнинг (1500-2000 ўрин) мавжудлиги;
- ҳудуднинг мавжуд сайёҳлик имкониятлари ва салоҳияти, сайёҳлар оқими ва таклиф этилаётган турар жой хизматлари ҳажми;
- қулай инфратузилма.

Хусусан, Slashchuk ва Bernadska (2019) туризм соҳасида инфратузилмалар табиий ва маданий диққатга сазовор жойлардан кам бўлмаган даражада муҳимлигини таъкидлайдилар. Улар туризм йўналишининг инфратузилмаси қулай ва яхши ривожланган бўлиши, сайёҳларнинг талабларига жавоб бериши кераклиги ҳамда уни тайёрлигини баҳолаш кўрсаткичларидан бири бўлиб, хизмат қилиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Amerta, Sara, Bagiada (2018) туризм инфратузилмаси иқтисодий ва ижтимоий-маданий нуқтаи назардан, маҳаллий жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшиши, унинг турмуш даражасини яхшилаши ва уни сақлаб қолиши керак, шунда аҳоли унинг барқарорлигини қўллаб-қувватлаш учун яхши сабабларга эга бўладилар, деб таъкидлайдилар. Матюнин (2013) туризм инфратузилмасини ривожлантириш янги иш ўринлари яратиш, аҳоли миграциясини камайтириш, минтақанинг иқтисодий ихтисослашувини диверсификация қилиш, транспортдан фойдаланиш имкониятларини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда барқарор даромадга эришиш билан боғласа, Войтко (2020) туризм инфратузилмаси ҳудуднинг иқтисодий барқарорлиги ва инфратузилмасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади деб, таъкидлайди.

Маҳаллий иқтисодчи олимлар мамлакат ва унинг ҳудудлари қиёфасини тубдан янгилаш, замонавий қиёфага келтириш, ақлли шаҳарлар барпо этиш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш борасида режалаштириш ҳужжатлари, жумладан мастер-режаларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Бунда, режалаштириш жараёнларида макон ва ресурслар салоҳияти, ўсиш нуқталарини ҳисобга олган ҳолда инфратузилмаларга эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳудудни ривожлантириш ва режалаштиришда самарали бошқариш услублари ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим саналади, деб ҳисоблайдилар (Отабоев, Ибодова ва Шарипов, 2025).

Бизнингча, инфратузилма туристик йўналишларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Бунда, *туризм инфратузилмаси* – туризм соҳасида хизмат кўрсатиш ва унга боғлиқ иншоотларнинг яхлит мажмуасидир. Туризм инфратузилмаси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин:


- моддий-техник базанинг умумий тавсифи;
- меҳмонхоналар ва бошқа турар-жой мажмуалари;
- умумий овқатланиш муассасалари;
- транспорт инфратузилмаси;
- алоқа ва телекоммуникация тармоқлари;
- муҳандислик ва маиший инфратузилмалар;
- туризм ишлаб чиқариш объектлари.

#### Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантикий фикрлаш, илмий мушоҳада, таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил усуллардан фойдаланилган.

#### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Мақолада муаллифнинг мамлакатда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни барқарорлаштиришда туризм саноатининг аҳамияти ва мавжуд ҳолат билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган материаллари ҳамда истиқболда эътиборга молик айрим қарашлари келтирилган.




1-расм. 2020-2025 йилларда мамлакатга ташриф буюрган сайёҳлар динамикаси, минг киши

Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари.

Ўзбекистон Марказий Осиёда энг машхур сайёҳлик йўналишларидан бири сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлашда давом этмоқда. Хусусан, 2025 йилда мамлакатга 11,7 миллион хорижий фуқаро ташриф буюрган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 миллион кишига ёки 46,8 фоизга ошганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, республикада дам олиш, маданий туризм ва сайёҳатларга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолат беради (1-расм).

Мамлакатга энг кўп сайёҳлар Қирғизистон – 3300 миллион сайёҳ, Тожикистон ва Қозоғистон – 2700 миллион сайёҳ, Россия – 984 минг сайёҳ, Афғонистон – 477 минг сайёҳ, Туркменистон – 370 минг сайёҳ, Хитой – 279 минг сайёҳ, Туркия – 175 минг сайёҳ, Ҳиндистон – 81 минг сайёҳ ва Корея Республикаси – 46 минг сайёҳ ташриф буюрганлигини кузатиш мумкин (2-расм).




**2-расм. 2025 йилда мамлакатга энг кўп ташриф буюрган сайёҳларнинг давлатлар кесимида динамикаси, минг киши**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари.

2020-2025 йилларда Ўзбекистонда сайёҳларга 3686 та туризм корхоналари хизмат кўрсатган. Таҳлил даврида гидларнинг умумий сони 3200 тага кўпайган. 2025 йилда туризм корхоналари ва операторлари томонидан кўрсатилган хизматлар 43 фоизга ошган. Мамлакатда дам олиш тизими ҳам фаол ривожланиб бормоқда, тиббий ва соғломлаштириш туризми имкониятларидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, тиббий туризм кластерлари ва меҳмонхона типигаги замонавий санаторийлар фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу фаолият турлари билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини қўшимча қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида тиббий ва соғломлаштириш туризминини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-335-сонли қарори билан «Тиббий хизматлар меҳмондўстлиги» («Medical service hospitality») дастурини амалга ошириш, давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ҳамда санаторий ва пансионатлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини мониторинг қилиш тизимини жорий қилиш, консалтинг – диагностика – даволаш – туроператор – транспорт – тиббий таржимон хизматларини биргаликда кўрсатадиган тиббий туризм кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш, “Авиценна” номи остида Ўзбекистон Республикасининг тиббий ва соғломлаштириш туризми брендини ишлаб чиқиш ва уни доимий равишда тарғиб

қилиб бориш, тоифали (юлдузли) меҳмонхоналар типдаги санаторийлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш, тоғли, шифобахш балчиқ қатламлари бор ҳамда шифобахш сувлар қаторига киритилган ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик сув (термал сув) объектлари мавжуд бўлган ҳудудларда санаторий-курорт зоналарини ташкил қилиш кўзда тутилган (Қарор, 2024). 2025 йилда Ўзбекистонга 90 мингдан ортиқ хорижий фуқаро даволаниш учун ташриф буюрган.

Ўзбекистон Марказий Осиёда халқаро меҳмонхоналар тармоғи бўйича энг юқори ўсиш кўрсаткичлари кузатилган бозор мақомини сақлаб қолмоқда. Хусусан, 2020 йилда 1156 та, 2021 йилда 1167 та, 2022 йилда 1782 та, 2023 йилда 2383 та, 2024 йилда 5526 та, 2025 йилда 6861 йилда меҳмонхоналар фаолият кўрсатган ва таҳлил даврида 5,9 баробар ўсиш кузатилган. Бу эса ўз навбатида, мамлакатга ташриф буюраётган сайёҳлар учун турар-жой имкониятларини сезиларли даражада ошишига таъсир кўрсатган (3- расм).



**3-расм. 2020-2025 йилларда меҳмонхоналар динамикаси, бирлик**

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари.

2020-2025 йилларда мамлакатда халқаро брендлар учун хоналар захираси 2 баробарга ошган. 2025 йил якуни билан мамлакатда 682 та бренд мақомига эга меҳмонхоналар хоналари очилган. Хусусан, Swissôtel Tashkent, Wyndham Garden Tashkent Airport, Ramada Encore by Wyndham Zomin, J.W. Marriott Hotel Tashkent – шулар жумласидандир. Ўзбекистон йўлларининг ҳам ўз тарихи мавжуд. Хусусан, ҳозирда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини боғлаган 708 километр узунликдаги автомагистрал йўли қадимда Ҳиндистонни Бақтрия, Сўғдиёна, Парфия, Осурия, Византия ва Миср билан боғлаган. Милoddan аввалги IV асрда Македония шоҳи Александр Зулқарнайн форс ҳукмдори Доро III мағлуб этгандан сўнг ўз қўшини билан шу йўлларни босиб ўтган ва Марко Поло XIII асрда ушбу йўл бўйлаб Хитойга саёҳат қилган (uzbekistan.travel, n.d.). 2025 йилда мамлакатнинг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42,9 минг километрни ташкил этган. Шундан, халқаро аҳамиятдаги йўллари – 3,9 минг километр, давлат аҳамиятидаги йўллар – 14 минг километр, маҳаллий аҳамиятдаги йўллар – 25 минг километр. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги бўйича Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида тўртинчи ўринни эгаллаган (mintrans.uz, n.d.).

Бугунги кунда мамлакатимизда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўларида жойлашган йўл бўйи инфратузилмаси жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда, хусусан транспорт воситалари учун вақтинча тўхташ жойлари, дам олиш жойлари,

автотураргоҳлар, ёқилғи қўйиш шаҳобчалари, кўп тармоқли хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ва бошқалар шулар жумласидандир (1-жадвал) (mintrans.uz, n.d.). Шу боис, диққатга сазовор Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Фарғона вилоятларига, сўлим ва бетакрор тоғли ҳудудлар Чимён, Чорвоқ, Зомин миллий боғи, Орол денгизига (Муynoқ) ҳаракатланиш имкониятлари кенгаймоқда. Туризмни ривожлантириш мақсадида чет эллик сайёҳларга автомобилда 90 кунгача божсиз киришга рухсат берилган.

### 1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўларида жойлашган мавжуд йўл бўйи инфратузилмаси объектлари тўғрисида маълумот, километр**

Т/р	Инфратузилма объектлари номи	Объектлар сони
1	Транспорт воситалари учун вақтинча тўхташ жойлари	76
2	Дам олиш жойлари	34
3	Автотураргоҳлар	58
4	Ёқилғи қўйиш шаҳобчалари	533
5	Кўп тармоқли хизмат кўрсатиш жойлари	36
6	Меҳмонхона (мотель) ёки кемпинг	41
7	Техник хизмат кўрсатиш жойлари	173
8	Умумий овқатланиш жойлари	406
9	Автомобиль ювиш шаҳобчалари	113
10	Савдо мажмуалари	90

2020-2025 йилларда Qanot Sharq, Centrum Air, Silk Avia, Asia Union Airlines, Tashkent Air, Nuno Air каби авиакомпаниялар фаолияти йўлга қўйилган. 2025 йилда мамлакатда парвозлар географияси кенгайиши ҳисобига умумий авиаёўловчилар сони 15,6 миллион кишини, самолётлар сони 109 тани ташкил этган. Бундан ташқари, таҳлил даврида мамлакатда ички туризмни ривожлантириш мақсадида ҳудудий аэропортлар қайта таъмирланган (Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари). Мамлакатнинг асосий ҳудудларини боғлайдиган 7,4 минг километрдан (шундан 1,3 минг километри электрлаштирилган) иборат темир йўл тармоғи бўлиб, темир йўллариининг умумий узунлиги 4,7 минг километрни ташкил этади. 2025 йилда йўловчилар айланмаси 2025 йилда 4,3 миллиард кишини ташкил этган. Энг йирик темир йўл марказлари Тошкент, Навоий ва Қорақалпоғистон вилоятларида жойлашган. Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вилоятларини боғлаган, 218 ўринга мўлжалланган, темир йўл узунлиги 780 километрни ташкил этган 6 та юқори тезликдаги “Afrosiyob” поезда ҳаракатланади (Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари). 2020-2025 йилларда Ўзбекистонда 26 390 та умумий овқатланиши корхоналари фаолият юритган. 2025 йилда мамлакатда умумий овқатланиш корхоналарининг айланмаси 237,6 триллион сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 14,7 фоизга ўсиш кузатилган. Бу эса ўз навбатидан, ресторан тадбиркорлиги фаоллигининг ошганлиги, аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати яхшиланганлигидан далолат беради (Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари). Бундан ташқари, 2026-2030 йилларда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига Хоразм ва Қорақалпоғистондаги археологик ёдгорликлар бўйлаб йирик туризм ҳалқаси ташкил этилади, тадбиркорлар томонидан 4 миллиард долларлик 3,5 мингдан зиёд янги сервис объектлари ишга туширилади, “Ўзбекистон мероси меҳмонхоналари”

дастури бошланади, маданий мерос объектларида хусусий шериклик асосида “бутик меҳмонхона” ташкил қилиш учун нуфузли меҳмонхона тармоқлари олиб келинади (Мурожаатнома, 2025). Ўзбекистоннинг халқаро меҳмонхона фонди 10 мингтадан ошади ва 6 мингга яқин янги хоналар қўшилади, ўсиш суръати 130 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, Америка Қўшма Штатлари Boeing компанияси билан 250-290 ўринли 22 та Boeing 787-9 Dreamliner самолётлари ҳамда Корея Республикаси Hyundai Rotem компанияси билан 389 ўринли Тошкент-Хива йўналишида 6 та “Джалолиддин Мангуберди” тезюар электропоездни етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу даврда туризм инфратузилмасини фаол ривожлантириш, минтақавий диверсификация (Билдирсой, Чорвоқ, Чимён, Хива ва Миракидаги лойиҳалар), халқаро миқёсдаги операторларнинг ортиб бораётган қизиқиши – келажакда меҳмонхона тижоратини янги босқичга олиб чиқади. Халқаро туризмнинг ўсиши Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива каби тарихий шаҳарларига, шунингдек, мамлакатнинг миллий таомлари, маданий мероси ва такомиллаштирилган туризм инфратузилмасига бўлган юқори қизиқишни тасдиқлайди.

### Хулоса ва таклифлар.

Юқоридаги келтирилган тадқиқлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакат туризм соҳасини ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга. Шу билан биргаликда, унинг тўлиқ ишга солинмаган имкониятлари мавжуд. Бунда, туризм соҳасини ҳудудларда (товар, хизмат) тарғиб қилиш ва муваффиқиятга эришиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади:

1. Туризм транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Бунда, сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида республика ҳудудларини бир-бири билан боғлаш ва халқа хариталари тузиш назарда тутилади;

2. Туризм инфратузилмасининг жорий ҳолатини таҳлил этиш ва баҳолаш;

3. Туризм инфратузилмасини ривожлантиришнинг узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш. Бунда, ишлаб чиқиладиган дастурлар туризм ва транспорт соҳаларини ривожлантириш стратегияларига мос келиши, замонавий ва миллий уйғунликда туризм инфратузилмаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратиш;

4. Туризм инфратузилмасини аҳоли ва сайёҳларга йўналтирилган ёндашув (ягона хизмат кўрсатиш марказларини яратиш) асосида ривожлантириш;

5. Туризм транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. Бунда, транспорт воситалари, транспорт объектлари, транспорт ва туризм тадбиркорлик корхоналари, транспорт йўллари ва йўналишлари, транспорт хизмати кўрсатиш тизимидаги сервис ва туризм иншоотлари, ахборот-коммуникация воситалари ва туризмни ташкил этиш учун фойдаланиладиган инсон ресурсларини ўз ичига олган мажмуани яратиш ҳамда мавжудларини сифатини яхшилаш;

6. Туризм салоҳияти паст бўлган ҳудудларда фестиваллар ва чемпионатлар ўтказилишини ташкил этиш, ҳар бир ҳудуднинг “ташриф қоғози”ни ишлаб чиқиш;

7. Сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида туризм инфратузилмасини транспорт инфратузилмаси билан боғлиқликда ривожлантириш. Бунда, автомобиль йўллари, темир йўллар, ҳаво йўли ва бошқаларни бир-бири билан боғлаш, мослаштириш ва режа-жадвалларини тузиш.

8. Кўп тармоқли туризм тармоқларини қуриш;

9. Мавжуд ҳордиқ чиқариш, кўнгилочар масканлар, боғлар, истироҳат боғларини қайта таъмирлаш ва шаҳарсозлик талаблари асосида янгиларини қуриш;

10. Ҳудудларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат халқ истеъмоли моллари бозорларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, санитар ва гигиеник ҳолатини яхшилаш,

уларнинг кўриниши замонавий ҳамда миллий услубда қайта таъмирлаш бўйича мастер-режалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

11. Эсдалик ва совға буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

12. Амалга оширилган ишлар ва хизматларнинг натижадорлигини доимий таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Шундай қилиб, ҳудудларда туризм инфратузилмасининг таъсири ва аҳамиятини кўриб чиқаётганда, у бир қатор вазифаларни бажаради деб хулосага келиш мумкин. Минтақада туризм соҳасини муваффақиятли ривожлантириш учун қулай, замонавий ва миллий уйғунликда туризм инфратузилмасини яратиш ва яхшилаш керак бўлади. Туризм инфратузилмаси хизмат кўрсатиш соҳаси ва саноат кооперациясини ривожлантирилиши, минтақада туризм мажмуаларини қурилиши, янги иш ўринлари яратилишини таъминлайди, талабга таъсир қилади, аҳоли даромадларини ошириш ҳамда маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини кўпайтириш ҳисса қўшади.

### **Адабиётлар /Литература/References:**

Abaev A.V. (2011) *Vliyanie infrastruktury na ekonomicheskiy rost v regione. Irkutsk.*

Amerta I.A., Sara I. and Bagiada K. (2018) *Sustainable tourism development. International Research Journal of Management, IT and Social Sciences, 5(2), pp. 248–254.*

Boykov I.P. and Rybakov F.F. (2002) *Ekonomika dlya yuristov. Moscow: Prospekt.*

Ibodova D.I. (2025) *Mamlakat brend-marketingi sayohatni rivojlantirish omili sifatida (BAA: Dubay shahar misolida). Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 11, pp. 1661–1665. Available at: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>*

Ibodova D.I. (2026) *Hududlarda turizmni rivojlantirishning ahamiyati va istiqbollari. Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot, 1, pp. 159–164. Available at: <https://yashil-iqtisodiyot-taraqqiyot.uz>*

Matyunin V.M. (2013) *Aktualnye voprosy razvitiya turizma v Rossii i regionakh. Rossiyskoe predprinimatelstvo, 9(231), pp. 126–132.*

Norqulov I. and Mahmudov O. (2022) *Iqtisodiy atamalarning izohli lug'ati. Toshkent.*

Otabaev Sh.X., Ibodova D.I. and Sharipov Sh.V. (2025) *Hududlarning iqtisodiy salohiyatini ro'yobga chiqarishda master-rejalarning ahamiyati. Iqtisodiyot: tahlillar va prognozlar, 3(31), pp. 71–77.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti (2024a) *O'zbekiston Respublikasida turizm infratuzilmasini yaxshilash va xorijiy turistlar oqimini yanada oshirishga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida, PF-102-son, 18-iyul. Available at: <https://lex.uz>*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti (2024b) *O'zbekiston Respublikasida tibbiy va sog'lomlashtirish turizmini yanada rivojlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida, PQ-335-son, 23-sentabr.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti (2025) *Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga murojaatnoma, 26-dekabr. Available at: <https://president.uz>*

O'zbekiston Respublikasi Statistika agentligi (n.d.) *Rasmiy statistik ma'lumotlar.*

O'zbekiston Respublikasi Transport vazirligi (n.d.) *Infratuzilma obyektlari. Available at: <https://mintrans.uz>*

Slashchuk A. and Bernadska H. (2019) *Scientific approaches to conceptualization and classification of tourist infrastructure. Ekonomichna ta Sotsialna Geografiya, pp. 12–17.*

Solyusa G.P. (n.d.) *Infrastruktura i gosudarstvennyy byudzh. Available at: <http://www.kredit-moskva.ru/kritika02.html>*

Uzbekistan Travel (n.d.) *Bolshoy uzbekskiy trakt. Available at: <https://uzbekistan.travel>*

Voytko S.I. (2020) *Razvitie infrastruktury turizma kak faktor razvitiya regiona. Saint Petersburg: SPGEU.*

Zhuravleva N.A. (2009) *Infrastruktura v sisteme ekonomicheskoy bezopasnosti Rossii. Saint Petersburg.*